

Муаллиф:

22.03.2014 14:26 - Янгиланди 22.03.2014 14:29

---

Ахмад Хасан Зувайл 1946 йил 26 февралда Миср Араб Республикасининг Даманхур шаҳрида оддий бир оилада дунёга келди.

Отаси Дасук шаҳридаги шифохонада техник кузатувчи вазифасида ишлар эди. У уч киз ичида танхо ўгилдир. Опа-сингиллари: Хоним, Сихам ва Ниъмалар.

Оила мухити болакайни ёшлигиданок муваффақиятига ундар эди. У болалигида хонасининг эшигига “доктор Ахмад Зувайл” деб ёзиб кўйган эди. У ёшлигига карамай уй, манзил жихозлари устида тажриба олиб борар эди.

Ахмад тўрт ёшга кирганида оиласи билан бирга Кафрушайх вилоятига карашли Дасук шаҳрига кўчиб ўтди. У ўша ерда вояга етиб, асосий таълимни мана шу шаҳарда олади.

Ахмад Зувайл бошлангич таълимни Дасук шаҳрида ўтаб, бошлангич ва таянч босқичи дипломини “ан-Нахза” номли мактабда кўлга киритди. Академик лицей дипломини эса “Дасук” мактабида кўлга киритди.

Умумий лицей дипломини кўлга киритгач, Искандария университетидеги илм-фан факултетига ўқишга кириб, у ерда 1967 йили химия соҳасида бакалаврлик имтиёзни кўлга киритди. Факултетда декан лавозимида ишлади. Сўнгра “ёруклик илми” хусусида тадқиқот олиб бориб, магистр даражасига эга бўлди.

Доктор Ахмад Зувайл амалий келажакдаги ишини 1966 йили Искандария шаҳридаги Shell номли ширкатда ишлашдан бошлади.

Америка Кўшма Штатлари стипендияси билан у ерга сафар қилиб, Пенсилвания университетидега лазер илми бўйича докторлик диссертациясини химоя қилди. Сўнгра, 1974-1976 йиллари Калифорниянинг Беркли университетидега тадқиқотчи бўлиб ишлайди. Сўнгра Калтех технология институтига кўчиб ўтди. У Америкадаги энг катта ўқув даргохларидан биридир. 1982 йили Америка фуқаролигига қабул қилинди. Бу киши Калтех билим юрти ичида илмий мансабга кўтарилди. Охири бориб, мазкур даргохда химия фанидан “етакчи устоз” даражасига кўтарилди. Бу нарса Америка университетларининг энг олий илмий мансабидир.

1991 йили Ахмад Зувайл химия бўйича нобел мукофотига сазовор бўлди. Бу билан у киши мусулмон ва араблар ичида химия бўйича биринчи нобел мукофотини кўлга киритган шахс бўлди. Бундан аввал Нажиб Махфуз адабиёт соҳасида, Мухаммад Анвар Садат тинчлик бўйича нобел мукофотини кўлга киритишган эди.

Ахмад Зувайл бир неча мансабларда ишлаб келган.

Масалан, Linus Pauling институтида химия моддасидан етакчи устоз лавозими.

Калифорниядаги технология институтида устоз вазифаси.

Атом илмлари лабораториясида директори лавозими.

Science ва Nature каби халқаро илмий журналларда Ахмад Зувайлнинг 350 дан ортиқ илмий тадқиқотлари нашр этилди.

Американинг уйғонишига хисса қўшган машҳур шахслар ўрнидан жой эгаллади.

Америкадаги лазер олимларидан 29 тасининг ичида 18-ўринни эгаллади. Ушбу рўйхат ичида Альберт Эйнштейн ва Александр Грэхем Беллар бордир.

Ахмад Зувайл фемтосекундлик спектроскопия (Femtosecond Spectroscopy) яъни, лазер ёрдамида ишлайдиган гоятда тез тасвирга тушириш низомини ихтиро қилди.

Фемтосекундда суратга тушириш дегани у - сониянинг минг миллиарддан бир улушича муддат, деганидир. Яъни 15та ноль бўлиб (10–15 ёки 0.000 000 000 000 001)дир.

Бу вақт бирлигининг бир секунддаги улуши бир секунднинг 32 миллион йилдаги улушига

Муаллиф:

22.03.2014 14:26 - Янгиланди 22.03.2014 14:29

---

тенгдир.

Бу илмий кашфиёт молекулалар реаксияси жараёнини нафакат кузатиш, балки исталган вақтда уларни ўзгартириш учун аралашини имконини ҳам беради. Биз уч ўлчамли фазода молекулалар ва атомларнинг ҳаракат картасини тузамиз. Натижада уларни кўрибгина қолмай, балки ҳаракатларини кузатиш, ўзаро тортишиш қонунларини ўрганиш, молекулалар ва атомларнинг бир-бирига интилиши ва қочиши, кўшилиши ва бўлиниши қандай кечишини аниқлаш мумкин бўлади.

Янги асрнинг бу илмий мўжизасини оддий тирик тўқималардан азон муаммоларига қадар мураккаб моддаларнинг табиати ва қонуниятларини ўрганишга қаратилади. Буларнинг барчаси энг оддий зарраларни билиш ва тушунишни талаб қилади. Бу илм ҳосиласи пировард натижада инсониятга тирик организмдаги барча жараёнларни бошқариб турувчи инсон тўқималарини бошқаришни ўрганиш имкониятини беради. Олимлар тирик организмдаги жараёнларни ирсиятга мувофиқ ирсий белгиларни – ҳулқ атворини, турли наслий касалликларини келиб чиқиши даражасида ўрганиш имконига эга бўладилар. Нихоятда қатта тезликда содир бўлаётган ибтидоий заррачаларнинг феъл-атвори, тузилиши, ҳалок бўлиши, бўлиниши жараёнларини лазер нури ёрдамида плёнкага қайд этиш мумкин. Бу нарса худди футбол матчининг секинлаштирилган кино тасвирини эслатади.

Ахмад Зувайл: “Мен молекулалар ва энг майда зарраларнинг руҳиятини (психологиясини) ўрганиб чиқдим. Кимёвий реакциялар жараёнида уларнинг ҳолати қонуниятларини, бу зарралар ҳаракат йўналишини қандай ўзгариш сирларини ўргандим, ирсий белгилар, протеин ва анзимлар ўртасида ўзаро майл ва ёқтирмаслик муносабатларини аниқладим”, дейди.

Ҳа, Ахмад Зувайл бу муносабатларни бошқаришга муваффақ бўлди! Унинг айтишича, энди касалликларни оғриксиз ва жарроҳсиз, энг арзимас ҳаражатлар эвазига тўхтатиш мумкин. Олимлар одамнинг ирсий белгилари тартибини ўқигач у ҳақда компьютер дискида маълумотнома ишлаб чиқишлари мумкин бўлади. Врач бундай диск билан ҳузурга келган касалликнинг ҳасталик сабабларини ҳеч қийинчиликсиз аниқлайди ва молекуляр тиббиёт йўли билан зарур даволаш чораларини қўллайди.

Бу илмий иш замирида сония (секунд)нинг миллиарддан бир улуши...

Вақтнинг ҳаёл ҳам илғаб улгурмайдиган бу кичик оралигида нима бўлар экан?!

Даставвал кўнгилдан ана шундай ажабсиниш ўтиши табиий. Аммо ажабланишга ўрин йўқ. Вақт, замон ва унинг ҳаракат доирасини инсон ақли тўла тасаввур ҳам, идрок ҳам эта олмайди. Ахир яратилган ҳар-бир нарсанинг Яратувчига тасбех айтиши уларнинг доимо ҳаракатда эканидан далолатку! Ҳатто бизнинг назаримизда сокин кўринган залворли тоғлар ҳам ҳаракатда экан:

“Тоғларни кўриб, кимирламай турибди деб ҳисоблайсан. Холбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллохнинг санъатидир. Албатта, у нима қиладиганингиздан хабардордир” (Намл-88).

Исро ва Меърож воқеълари ҳам жуда қисқа муддатда бўлиб ўтди. Расулulloх (с.а.в.) олдларида туриб ҳам баъзилар бу воқеъани ақлга сигдира олмай диндан чиқиб кетдилар. Ваҳоланки замон ва маконни бошқариб турган Зотнинг мутлак қудрат эгаси экани ҳақида кўп оятлар эшитган эдилар.

Сулаймон алайҳиссалом ҳузурларига билқийс тахтининг келтирилишини эсланг.

Жинларнинг бир паҳлавони: “Мен уни ўрнингдан туриб улгурмасингдан илгари сенга келтираман”, деди. Лавҳулмахфуздан хабардор бир зот эса: “Мен уни сен кўз очиб

Муаллиф:

22.03.2014 14:26 - Янгиланди 22.03.2014 14:29

---

юмгунча хозир киламан”, деди. (Намл-38, 40).

Инсон акли илгамайдиган энг киска фурсатларнинг энг киска ораликларида ҳам Аллох изни билан улкан воқеълар содир бўлиши табиий. Аслида биз “киска фурсат” деб атайдиган бу тушунча хақиқатда катта имкониятлар майдони экани хозирги замон илмида ҳам исботини топмоқда. Доктор Ахмад Зувайлнинг ноёб кашфиёти бунинг ёркин далилидир. Бугун шу илми билан лахзанинг энг сўнги кўламларигача камраб олувчи вақт ўлчови бирлигини аниқлашга эришди.

Сиз билан бизни кувонтирадиган ва иймонимизни янада кувватлантирадиган ходиса доктор Ахмад Зувайлнинг бу жахоншумул илмий кашфиёти муқаддас китобимиз Куръоннинг мўъжиза эканини тасдиқлаётганидир. Аллох таоло кудратининг чексизлигига ёркин далолатдир.

Доктор Ахмад Зувайлдек мусулмон олимни дунёга берган Миср инсоният тараккиётининг бешикларидан бири хисобланади.

Кадимги мисрликлар милодий эрадан 4500 йил олдин ҳам йил вақтларининг бўлинишини, кун ва соатни билишган. Шунингдек, улар вақт ўлчов бирлигини яратишга журъат этган биринчи кишилардир. 6000 йил илгари улар бир йил 365 ва яна тўрт кундан иборат эканини топишган. “Сириус” юлдузини ҳам кадимий Мисрда аниқлашган. Улар нил тошқинини кузатиб, тошқинлар орасидаги кунлар сони 365 талигини топдилар.

Навбатдаги сув тошқини содир бўлмагач, улар астраномик таквимда 365 эмас, 365 ва яна тўрт кун борлигини фахмладилар. Шунингдек кадимги мисрликлар инсоният тарихидаги кимёдан бохабар биринчи халқдир. Бунга сабаб Миср тупрогининг рангини ўзгартиришидир. Нил тошқинидан сўнг тупрок кораяр, сув сатхи пасайгач, яшил тусга кирар эди. Мисрликлар бу жараёни “Ком” деб атадилар. Орадан асрлар ўтиб, мусулмонлар Испания ва Оврўпага етиб келгач, уларни “Ал-ким” деб атадилар. Бу сўз оврўпа тилларига “Ал-ками”, кейинроқ “Ал-кимё” тарзида ўтди.

Ахмад Зувайл Дийма Зувайл билан турмуш куриб, тўрт фарзанднинг отасидир. Дима Зувайл умумий соғлиқ соҳасида дўхтир бўлиб ишлайди. Улар хозир Калифорния штатининг Сан-Марино шаҳрида истикомат қилишади.

Интернетдаги мақолалар асосида Анвар Ахмад тайёрлади